Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 4-noyabr. Seshanba • 129 (31.876) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Эртага Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойи бўлиб ўтади

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан маълумки, сиёсий партиялар жамият муайян қатламлари манфаатлари учун курашиб, мамлакат тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Сиёсий кучлар вақти-вақти билан ўз қарашлари, мамлакатни ривожлантириш бўйича позициясини янгилаб олади, одамлар турмуш даражасини яхшилаш бўйича таклифларини, ғояларини илгари суради...







# Ўзбекистон Халқ демократик партияси

## *мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ позицияга эга*

**Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими тобора ривожланиб, сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик тузилмаларининг давлат ҳокимиятини шакллантириш ва демократлаштиришдаги ваколатлари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз электорати манфаатини ҳимоя этишга қаратилган ташаббуслар билан чиқмоқда, янги-янги лойиҳаларни амалга оширмоқда.**

Партия 2009 йилда бўлиб ўтган VII Қурултойида ўз Сайловолди дастурини қабул қилиб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя этиш масалалари бўйича ўз позициясини эълон қилган эди.

Ўтган вақт мобайнида партия ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги гуруҳлари томонидан партия Сайловолди дастурини амалга ошириш, ғояларини рўёбга чиқариш борасида тизимли ишлар олиб борилди.

Эртага пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойида уларнинг натижалари сарҳисоб қилиниб, партиянинг янги вазифалари белгилаб олинади.

Шу йил 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан партиянинг янги Сайловолди дастури қабул қилинади, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатилади. Шунингдек, қурултойда партия ҳаёти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Ушбу муҳим тадбир олдидан қурултой делегатлари эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, партия ишини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

## СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТЛАРИГА



**Назира МАТЯКУБОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– Сайловдан-сайловгача бўлган даврда фракциямиз фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, фракция қонунлар лойиҳаларида партиямиз электорати манфаатларини ифода этиш, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларда парламент назоратини кучайтириш борасида қатор ташаббусларни илгари сургани, амалий ишларни бажарганига иқрор бўламиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, қонунлар лойиҳаларини партиямиз дастурий мақсадлари, электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилиш ва таклифлар тайёрлаш бўйича ўзига хос механизм яратилди. Биз учун муҳим ва принципиал аҳамиятга эга бўлган қонунлар лойиҳалари юзасидан ҳудудий партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари иштирокида муҳокамалар ўтказиш йўлга қўйилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида фракциямизнинг позициясини ишлаб чиқиш амалиёти шакллантирилди. Натижада қатор қонунларда партиямиз электорати манфаатларининг кафолати таъминланди.

Мисол учун, Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутадиган қонун лойиҳасига фракциямиз томонидан муқобил қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилди. Қатор принципиал масалалар меҳнат қонунчилигида ўз ифодасини топишига эришилди.

Фракциямиз фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши ижтимоий ҳимоя масалаларида парламент назоратини кучайтиришдан иборат бўлмоқда. Жумладан, ҳар йили мунтазам равишда фракциямиз ташаббуси билан Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича парламент эшитувлари ўтказиляпти. Бунинг натижасида дастур ижросидаги камчиликларни вақтида бартараф этиш ва дастурни такомиллаштириб боришга эришиляпти. Масалан, дастурга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича алоҳида банд киритилди, чет элдан қайтадиган фуқаролар бандлигини таъминлашга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар белгиланди, дастурнинг иқтисодий асослари мустаҳкамланди.

Бироқ тан олишимиз керак, фаолиятимизда сусткашликларга ҳам йўл қўйилди. Айрим қонун лойиҳалари бўйича таҳлилий таклифлар тайёрлашда фаоллик етишмади. Аҳоли, айниқса, партиямиз электоратини ўйлантираётган масалалар бўйича парламент назоратини кучайтириш масаласи эътиборимиздан четда қолган пайтлар бўлди.

Жорий йилги сайловдан кейин сиёсий партиялар фракциялари, умуман, парламент бутунлай янгича демократик шароитда иш бошлайди. Партиямиз бунга ҳар томонлама тайёр бўлиши керак. Қурултойда бу масалаларни чуқур таҳлил қилишимиз, керакли хулосаларни чиқариб олишимиз лозим бўлади.



**Акрам ИНОМОВ,**
**Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби:**

— Сиёсий партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари муҳим ўрин тутади. Шу боис қурултойда жойлардаги партия гуруҳлари фаолияти яна бир бор чуқур таҳлил этилади, деб ўйлайман.

Ўтган сайловда ЎзХДПдан халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига 14, туман ва шаҳар Кенгашларига 126 нафар депутат сайланган эди. Ўтган давр мобайнида партия гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида 21 масала муҳокама этилди. Энг муҳими, уларнинг 16 таси партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжаллаган Ҳаракат дастурида кўзда тутилган вазифалар ижроси билан боғлиқ. Шунингдек, депутатлар томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига 400 га яқин сўров юборилди. Уларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилди.

Тўғри, юқоридаги рақамлар амалий ишларимиз борлиги, ҳудудлардаги долзарб масалалар ечими юзасидан мустаҳкам позицияга эга эканимизни кўрсатиб турибди. Бироқ, сессияларда қабул қилинаётган қарорлар қай даражада ижро этилаётганига жиддий эътибор қаратишимиз керак. Халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари сессияга киритилган масалалар ижросини тўлақонли таъминлашга эришса, бундан, энг аввало, партиямиз электорати манфаатдор бўлади.

Қурултойда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари қарорлари ижросини таъминлашнинг янги ва самарали механизмлари ҳақида ўз таклифларимни билдирмоқчиман.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ VIII ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойи 2014 йил 5 ноябрь куни эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳридаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасининг Амир Темур мажлислар залида ўз ишини бошлайди.**

Делегатлар 5 ноябрь куни эрталаб соат 9:00 дан «International Hotel Tashkent» меҳмонхонаси фойесида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2014 йил 17 октябрда бошланади ва 2014 йил 6 ноябрда тугайди.**

## САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БЎЛСА, ТАҲРИРИЯТИМИЗГА ЙЎЛЛАНГ

Саволларга депутатлар, малакали ҳуқуқшунослар ҳамда мутахассислар жавоб беради

**телефон/факс: (0-371) 233-10-13**
**электрон манзил: info@uzbekistonovozi.uz**

### ОБУНА — 2015



**Меҳриноз АББОСОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, ЎзХДП аъзоси:**

**Мана мен — ёшликман,**
**ҳеч олмасман тин,**
**Ватан, бир корингга келар ярагим.**
**Менга бор дардингни**
**айтишинг мумкин,**
**Бугун жуссамдан ҳам катта юрагим.**

**«Ўзбекистон овози» истеъдодли ёшлар минбари, обуна бўлишни унутманг!**

### ТАШАББУС

## Партиямиз ғоялари ҳаётий, халқчил

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамкорлигида ўтказилаётган **«Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни»** акцияси ҳақида эшитиб, уни бизнинг муассасамизда ҳам ўтишини орзиқиб кутдик.

Тарбиячилар, болалар бу кунга алоҳида тайёргарлик кўришди. Ким шеър ёдлади, кимдир қўшиқ, рақс тайёрлади. Акция жуда юқори савияда ўтди. Болаларимизнинг кайфиятини кўтарди. Улар ҳозир ана шу акция таассуротлари билан яшамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, интернат уйимизда давлатимиз томонидан болаларнинг яшаши, билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган. Ўтказилган акция эса уларни руҳан қўллаб-қувватлаш, ҳаётга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилиши билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Партиямиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини таъминлаш учун курашади. Ушбу акция ҳам ана шу хайрли ишларга ҳамоҳангдир.

Барчамиз муҳим сиёсий жараёнлар остонасида турибмиз. Сайловчи аввало, сиёсий партияларга амалий ишларига қараб баҳо беради. Мазкур акцияда иштирок этган, болаларнинг юз-кўзидаги қувончни кўрган ҳар бир инсон Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғояларининг қанчалик ҳаётий, халқчил экани, эзгу мақсадларга қаратилгани билан қадрли эканини тушунади.

**Иброҳим ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Фарғона вилоятидаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи директори, ЎзХДП фаоли.**

Ҳар бир сиёсий партия, аввало, Сайловолди дастурининг ҳаётийлиги ва унинг ижроси билан жамиятда обрў-эътиборга эга бўлади

# СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТЛАРИГА



**Саида ЖЎРАЕВА,**
**ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари:**

— Биз сайлов жараёнида иштирок этар эканмиз, аввало, ўтган сайловлардан ҳозирги кунга қадар олиб борган амалий ишларимизни, партиямиз Сайловолди дастури ижроси қай даражада таъминланганини танқидий таҳлил этишимиз зарур. Чунки сайловчи партиямиз ғоя ва дастурлари ҳаётда нечоғлик ўз аксини топганига қараб, депутатликка номзодларимизни қўллаб-қувватлайди.

2011 йилда партиямиз ўзининг Сайловолди дастурини изчил ижро этиш мақсадида Ҳаракат дастурини тасдиқлади. Бунда партия ташкилотлари ва депутатларнинг вазифалари ҳар бир ҳудуд кесимида аниқ белгиланди. Масалан, бир ҳудудда ичимлик суви масаласи муҳим, бошқа бирида аҳолини иш билан таъминлаш долзарброқ, баъзи жойларда эса одамларни кўпроқ тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласи ўйлантиради. Шуни инобатга олган ҳолда, Ҳаракат дастурида ҳудудлардаги долзарб масалаларга урғу берилди. Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, айтиш керакки, Ҳаракат дастури партия Сайловолди дастури ижросига қаратилган энг муҳим ҳужжат ва ўзига хос механизм бўлиб хизмат қилди.

Биргина Бухоро вилоятида дастур ижроси бўйича 50 га яқин масала партиямиз гуруҳлари томонидан доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига автотранспорт ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини яхшилаш, халқ депутатлари Қоракўл туман Кенгаши сессиясига маҳаллий хомашё ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш тўғрисидаги масалалар олиб чиқилди.

Бироқ, айрим туманлардаги партия ташкилотлари, депутатлар ўз кучини электорат манфаатини ҳимоя қилишга йўналтира олмаяпти, Ҳаракат дастурида белгиланган вазифага етарли масъулият билан қаралмаяпти. Бу эса Сайловолди дастури ижросига таъсир қиляпти. Партиямизнинг айрим вилоят ва туман кенгашлари, депутатлик гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муқобил дастурлар таклиф этишни изчил йўлга қўя олмаётганини ҳам очиқ тан олишимиз керак. Шундан келиб чиқиб, қурултойда ишимизга танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, тегишли хулосалар чиқариб олишимиз ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқишимиз керак, деб ўйлайман.



**Камолиддин АКРОМОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар, Олмазор туман кенгаши раиси:**

— Ўтган давр мобайнида партиямиз ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда катта тажриба тўплади. Хусусан, аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, электоратимиз вакилларига ҳуқуқий маслаҳат кўмаги кўрсатиш масалаларига бошланғич ташкилотлар, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари, депутатларимиз эътибори янада кучайди. Бу борада партия кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Биргина бизнинг туман мисолида оладиган бўлсак, ўтган беш йилда Жамоатчилик қабулхонамизга 500 дан ортиқ мурожаат бўлди. Уларнинг аксариятида кўтарилган ижтимоий масалалар ижобий ечим топди.

Одамларнинг мурожаатини ўрганиш, уларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда. Жамоатчилик қабулхоналари ҳузуридаги ҳуқуқий маслаҳатхоналар фуқаролар саволларига малакали жавоб берилишига, айни чоғда ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятининг асосий мақсади мурожаат қилиб келган одамнинг муаммосини индивидуал ҳал қилиб беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Аслида эса бу тузилма электорат муаммоларини таҳлил қилиб, хулоса чиқариладиган, уларни қонун, ижро ҳокимияти органлари қарорлари даражасида ҳал этиш бўйича асосли таклифлар тайёрланадиган марказларга айланиши керак, деб ўйлайман. Бу менинг шахсий фикрим, албатта. Қурултойда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.



**Ойтўла АБДУРАИМОВА,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, «Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси:**

— Биз ёшлар сайлов мамлакатимиз ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга эканини яхши тушунамиз. Шу боис ҳам бу жараёнда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро сайланадиган депутатларимиз салоҳияти эртанги ҳаётимиз қандай бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Биз эса ўз тақдиримизга бефарқ эмасмиз.

Шунинг учун ҳам биринчи навбатда тенгдошларимизга сайловлар тобора ривожланиб бораётган миллий қонунчилигимиз, дунёда эътироф этилган халқаро принциплар асосида бўлаётганини кенг тарғиб қилишимиз зарур. Ҳар бир йигит-қиз сайловда ўз фуқаролик бурчини муносиб адо этишини таъминлашимиз керак.

Маълумотларга кўра, вилоят ёшларининг 74 минг нафарга яқини сайловларда биринчи бор иштирок этади. Улар орасида «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «Бўлажак депутат», «Менинг биринчи сайловим» лойиҳалари доирасида тарғибот ишлари қизғин кечмоқда. Айни пайтда Самарқанд вилояти бўйича барча маҳаллий Кенгашларга партиямиздан номзодлар кўрсатиб бўлинди. Уларнинг 21,2 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Бу бугунги ёшлар давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишга интилаётганини кўрсатади. Ёш номзодларимиз рақиблари кимлар бўлишидан қатъи назар, ҳалол курашиб, енгиб чиқишга қарор қилишган.

Бу борада партия ташкилотлари зиммасида муҳим вазифалар турибди. Биз партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг дастурлари ҳамда партиянинг VIII қурултойида қабул қилинадиган Сайловолди дастурини аҳолига кенг тушунтириш, партиямиз ғояларининг афзаллигига сайловчиларни ишонтириш учун астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

# Сайловчи сиёсий партиянинг обрўси, нуфузига қараб

## *унинг номзодларига овоз беради*

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойи арафасида Қорақалпоғистон Республика, Тошкент шаҳар ҳамда вилоят кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди.**

**Жорий йилда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар муҳим синов — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларда иштирок этади. Мазкур сайлов натижалари эса кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг ўтган беш йилда қўлга киритган ютуқларига ҳам боғлиқ. Сайловчининг асосий эътибори Сайловолди дастури ижроси қай даражада таъминланганлигига қаратилади.**



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Партиянинг минтақавий пленумларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб иштирок этиш, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига номзодлар кўрсатиш ҳамда Сайловолди платформасига киритилаётган ўзгаришлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ахборот хизматининг хабар қилишича,** вилоят кенгаши пленумида асосий эътибор халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига муносиб номзодларни кўрсатиш ҳамда партия Сайловолди платформасига киритилаётган ўзгартиришлар муҳокамасига қаратилди.

Пленумда таъкидланганидек, ЎзХДП дастурий мақсадларини, энг аввало, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда белгилаган. Шу боис ана шу жараёнда фаол иштирок этишни ўзининг устувор сиёсий вазифаси, деб билади. Бундан ташқари, барқарор иқтисодий ривожланишнинг ажралмас шарти — мамлакатда фуқаролар осойишталиги, ижтимоий, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш муҳим, деб ҳисоблайди.

— Сайловда муносиб иштирок этиш барча даражадаги партия ташкилотларидан катта масъулият талаб этади, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов.** — Айниқса, тарғибот-ташвиқот ишларида бошланғич партия ташкилотлари ҳамда туман кенгаши фаоллари ташаббускор ва фидойи бўлиши талаб этилади. Шунингдек, сайлов участкаларида кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари билан ишлаш масалаларида партия фаоллари масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

Айни вақтда биз партиянинг сайлов штаблари тизимида олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришимиз зарур. Барча сайлов штаблари у ёки бу сайлов ҳудудига дахлдор эканлигидан қатъи назар сайлов кампаниясининг муваффақиятли ўтиши учун тенг даражада масъулдир.

Бугунги кўрсатилган номзодлар ҳам партия тизимида, ҳам халқ орасида обрў-эътиборга эга инсонлар ҳисобланади. Демак, сайловдан юқори натижалар кутишга ҳақлимиз.

— Сайлов кампанияси давомида тарғибот-ташвиқот ишларида замонавий сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири Зулфия Зокирова.** — Ҳозирда дунё тажрибасида бир неча сиёсий технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун ахборот, пиар ҳамда имижмейкинг технологиялари сайловчида номзодга нисбатан ижобий таассурот ва ишонч уйғотишга хизмат қилади.

**ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизматининг маълум қилишича,** вилоят кенгаши пленумида сайловда муносиб иштирок этиш билан боғлиқ масала партия фаоллари томонидан қизғин муҳокама этилди.

— Сайловда муваффақиятли иштирок этиш кўп жиҳатдан сайловолди кампаниясини нечоғлик самарали ташкил этишимизга ҳам боғлиқ, — дейди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов.** — Юртимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини кафолатлаш, сайлов қонунчилигини халқаро андозалар асосида босқичма-босқич такомиллаштириш ҳамда сайловларни умумэътироф этилган демократик принциплар доирасида ўтказишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Бу эса сиёсий партияларга ва улар депутатликка кўрсатадиган номзодларга сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказишда тенг имкониятлар яратмоқда.



— Демократик сайлов тизими орқали фуқаролар ўзи муносиб деб топган кишиларни давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлайди ва шу орқали давлат бошқарувини амалга оширишда иштирок этади, — дейди **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рашид Муртазоев.** — Шу боис муносиб номзодларнинг сайланиши ушбу эзгу мақсад йўлида муҳим қадам бўлади.

Пленум якунида номзодлар овозга қўйилди. Иштирокчилар халқнинг ҳурматини қозонган, обрў-эътиборли, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан етук номзодларни қўллаб-қувватлади.

**ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши ахборот хизматининг хабар қилишича**, вилоят кенгаши пленумида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар таркиби кўриб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловлар муносабати билан Сайловолди платформаси лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, таклифларини ўртага ташлади.

Ҳар бир сиёсий партия, аввало, Сайловолди дастурининг ҳаётийлиги ва унинг ижроси билан жамиятда обрў-эътиборга эга бўлади. Партиямиз Сайловолди дастурида бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим масалалардан бири — аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олган. Дастур мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, партия ғояси халқимиз табиатига хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашиш каби инсонпарварлик тамойиллари билан йўғрилган.

— Барча партия фаоллари, айниқса, ёшларимиз вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдингисидан катта фарқ қилишини чуқур англамоқда, — дейди **ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов.** — Мазкур сайловда муносиб иштирок этиш вилоят кенгашимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўтган сайловда вилоят кенгаши томонидан кўрсатилган биронта номзод Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланмаган эди. Бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда илгари йўл қўйган камчиликларимизни такрорламасликка ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, ҳозирда депутатликка номзодлар билан сайловчилар учрашувларини юқори савияда ташкил этиш, сайловга ҳозирлик жараёнида оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор қаратаяпмиз.

Пленумда кун тартибидаги масалалар юзасидан партия фаоли Солия Давлатова, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Ўтбосар Абдиев, касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси раиси, партия фаоли Камолиддин Оқбўтаев ва бошқалар сўзга чиқди.

**Навоий вилояти бўйича ўз мухбиримиз Илҳом Сатторовнинг хабар қилишича,** ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида туман ва шаҳар кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзолари иштирок этди.

— Мамлакатимизда сайловларнинг очиқ-ошкора, демократик принциплар асосида ўтказиш учун мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий база яратилган, — дейди **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Акмал Асатов**. — Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мамлакатни ислоҳ қилиш, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўтган беш йил давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат вакилларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Бу эса партиянинг жамиятдаги обрўси ошишига хизмат қилмоқда. Ана шу тажрибаларга таянган ҳолда сайловолди тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Пленумда, шунингдек, тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга оширишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, айниқса, сайловларда биринчи маротаба иштирок этадиган ёшлар билан кўпроқ ишлаш борасида таклифлар берилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика, Тошкент шаҳар, Андижон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоят кенгашларининг ҳам пленумлари ўтказилди. Уларда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар тасдиқланди, партиянинг Сайловолди платформаси ҳамда Уставига ўзгартириш киритиш борасида таклифлар берилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Нурали ОРИПОВ**
**тайёрлади.**

МУНОСАБАТ

# Мен ЎзХДПни танладим

**18 ёшга тўлсам, бирор бир сиёсий партияга аъзо бўламан, деб ўйлаб юрардим. Пойтахтимизда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказилган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ тадбирда иштирок этиб, бу партияга қизиқишим ортди.**

Чунки ишга жойлашиш касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни ўйлантирадиган муҳим масалалардан биридир. ЎзХДП ёшлар учун ниҳоятда муҳим бўлган ҳаётий масалани кўтариб, бу борада кўпгина амалий ишлар қилаётгани бизни беҳад қувонтирмоқда.

Кейинчалик партиянинг бошқа тадбирларида иштирок этиб, менда ЎзХДПга аъзо бўлиш истаги пайдо бўлди. Шу ўй билан партиянинг Сергели туман кенгаши раиси Шоира Хўжаевага мурожаат қилдим. У киши фикрларимни эшитиб, қўлимга партия Дастурини тутқазди. Танишиб чиқинг, партиямизнинг ғоялари сизга маъқул бўлса, яна бир бор ўйлаб кўриб, кейин ариза берасиз, деди. Дастурни ўқиб чиқдим. Партиянинг мақсад ҳамда вазифалари маъқул тушди ва ўрним айнан шу партия сафида, деган тўхтамга келдим ҳамда партияга аъзо бўлиш учун ариза ёздим.

Энди мен бор кучим, билимим ва салоҳиятим билан ўзим ишонган ва аъзоси бўлган партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қиламан. Чунки мен энди оддий фуқаро эмасман, мамлакатимиздаги йирик сиёсий партия аъзосиман.

**Умидахон МАҲАМАТОВА,**
**Тошкент шаҳар, Сергели тумани.**

**Кўпдан бери ўзимнинг мустақил ишимни бошлаш, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида эдим. Аммо бунинг учун бошланғич сармоям йўқ эди. Ишни нимадан бошлашни ҳам билмасдим.**

# «Ўзбекистон Халқ демократик партияси кўмаги билан ўз ишимни йўлга қўйдим»

Шунда маҳалладошларим маслаҳати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўтказилган семинарда иштирок этдим. Ўша тадбирда мен ўзим учун керакли маълумотларга эга бўлдим, унда қатнашган мутахассислар билан маслаҳатлашдим. Бизнес режа тузиш йўлларини ўргандим. Ишлаб чиққан режам билан банкдан имтиёзли кредит олишга эришдим.

Ҳозирда ўзимнинг кичик тикувчилик цехим бор. Унда 10 нафар маҳалла қизлари фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз харидоргир. Шу боис вилоят миқёсида тарқатилмоқда.

Шу ўринда ўз ишини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга бир таклифим бор. ЎзХДП сизнинг яқин маслаҳатчингиз, кўмакчингиз ва ҳамкорингиздир. Шунинг учун ҳам ушбу партия дастур ва ғоялари билан яқиндан танишинг, унинг тадбирларида иштирок этинг.

Бу сизнинг сиёсий билимларингиз ошишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни англашингизда, ҳаётда ўрнингизни топишингизда муҳим ўрин тутади.

**Ҳилола АШУРОВА,**
**Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, Тўпобжувоз маҳалласи.**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар халқаро миқёсда рақобатбардош бўлган салоҳиятли ва юксак маънавиятли олий малакали илмий кадрлар тайёрлашга хизмат қилиши даркор

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ

# Таълим — фан — ишлаб чиқариш интеграцияси

## мамлакат тараққиётига хизмат қилади

**Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда халқимизнинг жаҳон тамаддунига улкан ҳисса бўлиб қўшилган бой маънавий мероси ва салоҳиятига, ривожланиб бораётган техника ва технологияларга ҳамда илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган, дунёда ноёб ҳисобланган, бугун ўзининг юксак самарасини бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу дастур ўзбек модели сифатида бутун дунёда тан олинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олий ўқув юртидан кейинги таълим сифатини ошириш, бунда жаҳон миқёсида рақобатбардош бўлган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилган.**

Президентимизнинг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони юртимизда илм-фан ва таълим соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришга, жаҳон тажрибаси ва бу борадаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот ишларининг сифати ва илмий-амалий аҳамиятини оширишга, бугунги кун ёшлари ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Бугун барча соҳалар каби таълим ва илм-фан борасида ҳам дунёда ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўляпмиз. Ўтган икки йил мобайнида давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони асосида илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро миқёсда тан олинган талабларини амалга татбиқ қилиш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли — тўғридан-тўғри фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиш тизимига ўтилгани олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашда тараққий этган давлатлардан кам бўлмаган ривожланиш истиқболларини янада кенгайтириши шубҳасиздир.

Айтиш жоизки, бу борада манфаатдор вазирлик ва идоралар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда мутахассис-олимларимиз томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг рақобатбардош олий малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги илғор тажрибалари атрофлича ўрганиб чиқилиб, катта илмий ходим-изланувчилар институти тубдан қайта ташкил этилди. Амалдаги ихтисослашган кенгашлар фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, фан йўналишлари ва ихтисосликларнинг янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи 40 та илмий кенгаш тузилди.

Юқорида қайд этилган янги тизимнинг жорий этилиши диссертациялар мавзуларини мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танлаш, илмий ишларни инновацион фаолиятни ривожлантиришга, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашга қаратишга замин яратмоқда.

Жорий йилнинг 30 сентябрида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида илк бор аттестация жараёнининг барча босқичларидан ўрнатилган тартибда ижобий ўтган **6** нафар талабгорнинг аттестация ишлари юзасидан якуний қарор қабул қилиниб, уларга янги намунадаги фан доктори дипломлари топширилди. Мазкур докторлик диссертациялари мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимига ўтилгани нечоғлик ўз вақтида ва тўғри бўлганидан далолат беради. Бу тадбир мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, улар Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2012 йилнинг 24 июлида имзоланган фармонда белгилаб берилган ғояларнинг илк натижаларидан бири ҳисобланади. Ҳимоя қилинган бу диссертациялардан олинган илмий натижалар сифатининг юқорилиги, уларнинг жаҳон илмий-техник бозорида рақобатбардошлиги ва олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилгани билан характерлидир.

Тошкент давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади. Илмий кенгашда физика-математика фанлари доктори илмий даражасига талабгор Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали доценти Равшан Индиаминовнинг «Ортотроп электр ўтказувчанликни ҳисобга олган ҳолда токташувчи айланма қобиқ магнитоэластиклиги назариясини ривожлантириш» мавзусидаги диссертациясининг ҳимояси ўтказилди. Тўрт соат давомида қизғин баҳс ва муҳокамалар тарзида ўтган ҳимояда таниқли олимлар, докторлик диссертациясини тайёрлаётган изланувчилар, магистрантлар ва изланувчилар ҳам иштирок этишди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу диссертация мавзуси йўналишида АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония, Украина ва бошқа давлатларнинг илмий марказларида, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Диссертацияга келган бир қатор тақризлар ва мунозарада иштирок этган олимларнинг таъкидлашича, ортотроп (айниқса, анизотроп) электр ўтказувчанликни ҳисобга олган ҳолда токташувчи айланма қобиқ магнитоэластиклигининг чизиқли бўлмаган боғланишдаги масаласи қўшма майдонлар механикасида ҳал этилмаган муаммолардан бири бўлиб қолаётганди. Диссертацияда динамик масалаларнинг математик қўйилиши ва икки ўлчамли модели жаҳонда биринчи марта шакллантирилган. Ўзбек олимининг бу фундаментал йўналиш бўйича яратган ва ривожлантирган назарияси асосида ушбу илмий муаммонинг ечими топилди ва ушбу муаммо устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган чет эллик олимлар томонидан эътироф этилди. Зероки, илмий-тадқиқот натижалари 20 та халқаро анжуманда апробациядан ўтказилган. Диссертация мавзуси бўйича 51 та илмий иш, жумладан, 12 та илмий мақола халқаро журналларда чоп этилган.



Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда магистратура ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Магистрлар илмий-тадқиқот ишини самарали олиб бориши учун зарур моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг илмий амалиётини танланган йўналишга мос илмий-тадқиқот муассасаларида кенг ташкил этиш, ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўтказиш муддатини узайтириш лозим. Магистрларнинг илмий фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг қизиқишларини тизимли рағбатлантириб бориш зарур. Булар, ўз навбатида магистратурани кутилганидек фан докторлари тайёрлашнинг дастлабки босқичи даражасига кўтаришда таянч омиллар бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, магистратурада талабаларнинг креатив ва таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантирувчи фанлар ўқитилишини янада кенгайтириш, таълим жараёнига илмий-тадқиқот муассасалари олимларини, шунингдек, ривожланган хорижий давлатлардан мутахассисларни ҳам жалб этиш кўзланган натижани беради, албатта.

Айниқса, кадрлар тайёрлашнинг барча бўғинларида фундаментал фанлар салмоқли ўрин эгаллайди. Улар татбиқий ва умуммуҳандислик фанларини ривожлантиришда дастуруламал, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун асос бўла олади. Бу эса, ўз навбатида, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий ва амалий тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктурасини вужудга келтириб, мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига бўлган интеграциясини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам фундаментал илмий тадқиқотларимиз натижалари келажак техникаси ва технологияси учун асос бўлиши керак.

Умуман, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация ҳамда педагогик технологияларни самарали қўллаш, фундаментал ва ихтисослик фанларини янада чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитиш, маърузаларни инглиз тилида ўтиш, талабаларни жаҳон фан-техникаси соҳасидаги янгиликлардан доимий равишда хабардор қилиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқотлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида долзарб ва мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қиладиган мавзулар бўйича диссертация тадқиқотларини амалга оширишни ташкил этишни янги поғонага кўтариш олимларимиз бажариши керак бўлган муҳим вазифалардан биридир.

Яна бир ўта муҳим масала — фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар халқаро миқёсда рақобатбардош бўлган салоҳиятли ва юксак маънавиятли олий малакали илмий кадрлар тайёрлашга хизмат қилиши даркор. Шу боис улар фундаментал ва татбиқий фанлар соҳасида долзарб муаммолар бўйича илмий йўналишларни аниқлаши, тегишли соҳаларда кадрлар тайёрлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши, умуман, ўз фаолиятини самарали ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратиши тақозо этилади. Бўлажак олимларимизнинг касбий даражаси, бажарилаётган докторлик диссертацияларининг сифати ва уларнинг юксак илмий-амалий савиясини таъминлаш кўп жиҳатдан мазкур жараёнда иштирок этаётган олимлар, айниқса, илмий кенгашлар аъзоларига боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.

Докторлик диссертациялари сифатини ошириш учун таълим — фан — ишлаб чиқариш интеграциясини янада чуқурлаштириш масаласи муҳим ҳисобланади. Бу эса, ўз ўрнида, таълим олишни илмий изланиш билан, илмий изланишни эса ишлаб чиқариш билан боғлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз олимлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашлари, илмий кенгашлар ушбу узлуксизликни таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларимизни янада жадаллаштиришимиз зарур. Бу борада, масалан, техника фанлари соҳасида илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларидан ва мамлакатимизнинг гигант корхоналари техник имкониятлари ва ускуналаридан фойдаланишни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

АҚШ, Германия, Япония, Хитой ва Жанубий Корея сингари ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти айнан илмий технологияларга асосланганини сир эмас. Бизда ҳам ана шундай имконият ва салоҳият мавжуд. Мисол учун, Тошкент давлат техника университетида Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалар бўйича кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2011-2014 йилларда мазкур университетда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар бўйича умумий ҳажми 7 миллиард сўмдан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Сўнгги уч йил давомида 96 та монография, 50 дан зиёд дарслик ва ўқув-услубий қўлланма, 1189 та илмий мақола (шундан 247 таси хорижий журналларда) ва 1400 дан ортиқ маъруза тезислари халқаро ва республика анжуманлар илмий тўпламларида чоп этилган. Кейинги уч йил давомида университет олимлари томонидан 50 дан зиёд патентлар олинган бўлиб, шулардан 18 таси мамлакатимизнинг истиқболли ихтиролари таркибида муносиб ўрин эгаллаган.

Бугунги кунда ёш, истеъдодли олимларимизнинг салоҳиятини илм-фаннинг устувор йўналишларидаги долзарб муаммолар ечимига сафарбар этиш, олий таълим муассасаларида бажарилаётган фундаментал ва амалий тадқиқотларда иқтидорли талабалар иштирокини янада кенгайтириш олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Биз буюк мутафаккир алломаларнинг ворисларимиз. Улар эришган илмий ютуқлар ҳануз жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Шундай улуғ мутафаккирларимиз билан фахрланиш баробарида, улар эришган оламшумул ютуқларни мунтазам равишда янги муваффақиятлар билан бойитиб боришимиз, фаннинг турли соҳаларида дунё олимлари тан оладиган янгидан-янги илмий кашфиёт ва ихтиролар қилишимиз зарур.

Шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз: «Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: «Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак», деб айтаман. Айни вақтда «Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!» деб такрорлайман» дея алоҳида таъкидлади.

Ана шундай шароитда олимман, зиёлиман деган ҳар бир ватандошимиз жамият ҳаётини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган оламшумул ишларнинг фаол иштирокчисига айланмоғи шарт. Зеро, чинакам ватанпарвар олим ўзининг тушунча ва қарашлари билан чекланиб қолмасдан, даврнинг ўзи зиёлилар олдига қўяётган ўткир муаммоларни чуқур англаши ва энг муҳими, бунга муносиб жавоб беришга қодир бўлиши керак. Олимлик ва фуқаролик бурчини тўлиқ англаш, бепарволик кайфиятидан тўла халос бўлиш, бутун кучи ва салоҳиятини илм-фан равнақи йўлида сафарбар этиш ҳар бир зиёлининг бурчига айлансагина олдимизга қўйилган улкан вазифаларни босқичма-босқич бажариб борамиз.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида олимлар ва ижодкорларнинг машаққатли меҳнати ҳақида алоҳида тўхталиб, эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлиш бугунги кунда илм-фан соҳаси ходимларининг масъулиятли бурчи эканини таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, янгидан-янги илмий асарлари ва ихтиролар билан мустақил Ватанимиз тараққиёти йўлида хизмат қилиш мамлакатимиз — олимлари учун юксак шарафдир.

**Камолхон КАРИМОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор**
**Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси.**

**Реклама**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**
**2014 йил 4 декабрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Буюк Турон кўчаси, 56-уйда жойлашган «Tashkent palace new» МЧЖ балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 01/268VAA, бошланғич нархи 16 230 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102», 2003 й. и/ч, д/р 01/265VAA, бошланғич нархи 25 110 000 сўм бўлган «NEXIA DOHC», Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Сулаймонова кўчаси, 29-уйда жойлашган «O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi axborot-hisoblash markazi» ДУК балансидаги 2008 й. и/ч, д/р 01/757DAA, бошланғич нархи 25 200 000 сўм бўлган «NEXIA DOHC», Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Зарафшон кўчаси, 4-уйда жойлашган Давлат асллик даражасини белгилаш палатаси балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 01/947QAA, бошланғич нархи 14 900 100 сўм бўлган «Дэу Леганза» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказилган аукцион савдоларига такроран қўйилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

**Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40, телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2014 йил 23 ва 30 октябрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси балансидаги д/р 01/487JCA бўлган «ДЭУ МАГНУС» — 25 000 000 сўмга, д/р 01/485JCA бўлган «ДЭУ МАГНУС 2.0» — 20 700 000 сўмга; Тошкент давлат шарқшунослик институти балансидаги д/р 01/526CBA бўлган «Нексия» — 16 250 000 сўмга; «Toshkentboshplanliti» ДУК балансидаги д/р 01/298TBA бўлган «Ниссан Максима» — 39 400 000 сўмга ҳамда 2014 йил 23 ва 30 октябрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этилган савдоларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Asia sokato» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 1 463 700 000 сўмга; «Royal silk» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 5 051 423 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

**Гувоҳнома № 005357**

**ОБ-ҲАВО** 4-5.11 — 2014

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +2 / +7 | +10 / +15 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +2 / +7 | +10 / +15 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +5 / +10 | +13 / +18 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +10 / +15 | +15 / +20 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +3 / +8 | +13 / +18 |
| Тошкент шаҳри | +6 / +8 | +18 / +20 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +11 / +11 |
| Париж | +12 / +12 |
| Москва | +6 / +5 |
| Мадрид | +15 / +12 |
| Пекин | +16 / +17 |
| Канберра | +22 / +24 |
| Рим | +20 / +20 |
| Афина | +17 / +18 |
| Токио | +20 / +21 |

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug‘bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari)
Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

*Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
11262 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 01.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5